

RAQAMLI IQTISODIYOT SHAROITIDA MINTAQALAR BARQAROR RIVOJLANISHINING DOLZARB MUAMMOLARI VA YECHIMLARI

22-23.04.2024

<https://phoenixpublication.uz/>

**ХУДУДЛАРДА ТАДБИРКОРЛИКНИ САМАРАЛИ РИВОЖЛАНТИРИШ
ОРҚАЛИ ҲУДУДДА КАМБАГАЛЛИКНИ КАМАЙТИРИШ ЧОРАЛАРИ.**

Бобоев А.Ч.

*БухМТИ “Иқтисодиёт” кафедраси мудири, иқтисод фанлари номзоди, доцент
Тел: (+99897)3063132, E-mail: boboev-akmal@bk.ru*

Искандаров У.

M 50-23 ИҚТ гурӯҳ талабаси

МЕРЫ ПО СНИЖЕНИЮ БЕДНОСТИ В РЕГИОНЕ ПУТЕМ ЭФФЕКТИВНОГО РАЗВИТИЯ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА В РЕГИОНАХ.

Бобоев А.Ч.

*Заведующий кафедрой «Экономика» БухМТИ, кандидат экономических наук,
доцент Тел: (+99897) 3063132, E-mail: boboev-akmal@bk.ru*

Искандаров У.

Студент ИТК М 50-23

MEASURES TO REDUCE POVERTY IN THE REGION BY EFFECTIVELY DEVELOPING ENTREPRENEURSHIP IN THE REGIONS.

Boboev A.Ch.

*Head of the Department of Economics, BukhMTI, Candidate of Economic Sciences,
Associate Professor Tel: (+99897) 3063132, E-mail: boboev-akmal@bk.ru*

Iskandarov U.

Student of ITK M 50-23

XXI асрда Ўзбекистон иқтисодиётини модернизация қилишнинг устувор ўйналишларидан бири, ўрта мулқдорлар синфи вужудга келишига ёрдам берадиган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришdir. Тадбиркорлик фаолияти миллий иқтисодиётнинг ажralmas таркибий қисми сифатида аҳолининг иш билан бандлиги ва фаровонлигини ошириш, иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ҳал қилишнинг муҳим воситасидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев «2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг “Тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармонни ҳамда 2022 йил – «Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурини имзолади.

Маълумки, ҳар қандай мамлакатда аҳолининг кам таъминланган қатлами мавжуд. Ўзбекистонда ҳам одамларнинг муайян қисми етарли даромад манбаига эга эмас.

RAQAMLI IQTISODIYOT SHAROITIDA MINTAQALAR BARQAROR RIVOJLANISHINING DOLZARB MUAMMOLARI VA YECHIMLARI

22-23.04.2024

<https://phoenixpublication.uz/>

Камбағаллик муаммоси ва уни қисқартириш масаласи жаҳон ва миллий иқтисодиётининг жорий ҳолати ва истиқболда ривожланиш тенденцияларини белгилаб берадиган мухим ижтимоий-иқтисодий мезон ҳисобланади. Ҳар бир мамлакатнинг глобал камбағаллик даражасига қараб, унинг ҳалқаро миқёсида барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланиш рейтингини аниқлаш мухим аҳамият касб этади. Шунинг учун, 2000 йилда БМТ томонидан қабул қилинган Минг йиллик Декларациясининг мақсадларидан бири сифатида “ўта қашшоқликка ва очликка барҳам бериш, жумладан 1990 - 2015 йиллар давомида кунида бир АҚШ доллари миқдорда даромадга эга бўлган аҳоли улушини икки бараварга камайтириш” вазифаси кўйилган эди.

Камбағаллик – бу инсонларнинг шундай иқтисодий ҳолатидирки, унда улар ҳаёт кечириши учун зарур бўлган минимал эҳтиёжларини қондириш, ўз иш қобилиятини тиклаш ва наслини давом эттириш имконига эга бўлолмайдилар. Ҳалқаро даражада камбағаллик чегараси кунига киши бошига 1,9 АҚШ долларидан паст бўлган даромад ҳисобланади. Бу таснифлашга кўра, дунёда 700 миллиондан ортиқ киши ўта камбағалликда яшайди ва у дунё аҳолисининг тахминан 10% ни ташкил этади.

Камбағалликни қисқартиришнинг турли моделлари мавжуд. Жаҳон амалиётида камбағалликка қарши курашнинг икки модели фаол қўлланилмоқда:

- 1.Энг кам даромад даражасини таъминлаш ва қўллаб-куватлаш.
- 2.Аҳолига манзилли ижтимоий ёрдам кўрсатиш.

Биринчи модель юқори даражадаги фаровонликка эга ривожланган мамлакатларда кенг қўлланилади. Ушбу модел жорий истеъмол стандартларига жавоб берадиган минимал даромад даражасини ўрнатишга асосланади.

Мақсадли ижтимоий ёрдам ўртacha даромад даражаси нисбатан паст бўлган ривожланаётган мамлакатларда кўпроқ қўлланилади. Ўзбекистонда кам таъминланган аҳолига ёрдам тизими турли ижтимоий тўловлар шаклида иккинчи моделга мувофиқ амалга ошириб келинган.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда, афсуски, камбағаллик масаласи кўп йиллар «ёпиқ мавзу» бўлиб келди. Мамлакатимизда аҳолини турмуш сифати бўйича кенг тасниф ва чуқур таҳлил қилинмасдан, фақат унинг “кам таъминланган” мавхум қатламларини ажратилган ҳолда, уларга турли шакллардаги ижтимоий ёрдам кўрсатилган. Илк маротаба, 2020 йил 27-феврал куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ўtkazilgan видеоселектор мажлисида мамлакатда кабагаллик масаласини кўтарди.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож ва кам таъминланган оилаларни қўллаб-куватлаш, аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш борасидаги ишларни самарали амалга ошириш мақсадида Президентнинг 2020 йил 18 февралдаги фармони ҳамда қарорига мувофиқ, Маҳалла ва оилани қўллаб-куватлаш вазирлиги ташкил этилди. Маҳалла – туман (шаҳар) – вилоят – республика даражасида тадбиркорликни ривожлантириш ва

RAQAMLI IQTISODIYOT SHAROITIDA MINTAQALAR BARQAROR RIVOJLANISHINING DOLZARB MUAMMOLARI VA YECHIMLARI

22-23.04.2024

<https://phoenixpublication.uz/>

камбағалликни камайтиришга масъул лавозимлар жорий қилиниб, вертикал тизим яратилди.

Камбағалликни камайтириш ойлик ёки нафақа миқдорини кўпайтириш, ёппасига кредит бериш, дегани эмас. Бунинг учун, энг аввало, аҳолини касбга ўқитиш, молиявий саводхонлигини ошириш, одамларда тадбиркорлик ҳиссини уйғотиш, инфратузилмани яхшилаш, фарзандларини ўқитиш, сифатли даволаниш, манзилли нафақа тўлаш тизимини жорий қилиш керак.

Шу мақсадда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Жаҳон банки ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар билан камбағалликка қарши курашишнинг ўрта ва узоқ муддатли стратегияси ишлаб чиқилмоқда.

Мамлакатимизда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш натижасида тадбиркорлик фаолияти ривожланиб бормоқда. Аҳолини тадбиркорликка ўргатиш, касбий малакасини ошириш орқали камбағалликни камайтириш энг асосий масала ҳисобланади.

Шу билан бирга, ҳудудларда аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини яхшилаш, хусусан камбағалликни қисқартириш вазифалари кўп жиҳатдан иқтисодиётнинг барча тармоқ ва соҳаларининг рақобатбардошлигини ошириш ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш учун фундаментал шароитларни яратиб бериш ҳисобига янги ва барқарор иш ўринларини ташкил этиш билан бевосита боғлиқdir.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, бугун мамлакатимизда камбағалликни камайтириш учун аҳолининг ҳар бир қатламини тадбиркорлик билан шуғулланишга ўргатишимиш ва уларга шароитлар яратиб беришимиз зарур.

Тадбиркорлик фаолияти миллий иқтисодиётнинг ажралмас таркибий қисми сифатида аҳолининг иш билан бандлиги ва фаровонлигини ошириш, иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ҳал қилишнинг муҳим воситасидир. Шунинг учун, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш масаласига давлатимиз иқтисодий сиёсатининг стратегик вазифаси сифатида қаралмоқда. Чунки бу бозор иқтисодиётининг мустаҳкамланишига, ишчи ўринларининг ташкил этилишига ва ишсизлик даражасининг пасайишига, ишлаб чиқариш товарлари ва хизматлари ҳажмининг ортишига, ижтимоий дастурларнинг амалга оширилишига ва бошқа ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг ҳал этилишига айниқса ҳудудда камбағалликни қисқартирища имкон беради.

**RAQAMLI IQTISODIYOT SHAROITIDA MINTAQALAR BARQAROR RIVOJLANISHINING
DOLZARB MUAMMOLARI VA YECHIMLARI**

22-23.04.2024

<https://phoenixpublication.uz/>

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. А.Ч.Бобоев “Олий таълим битирувчиларида тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш ва унинг истиқболлари” Монография. Бухоро-2022, “Дурдона” нашриёти -115 б.
2. А.Ч.Бобоев, М10-20 МНДТ магистранти Тошпўлотов Д.Х. “Худудларда кичик корхоналарни ривожлантиришни бошқариш йўллари” Самарқанд - 2021 й., 105-108 б., 23-24 апрель.
3. А.Ч.Бобоев, М10-20 МНДТ магистранти Тошпўлотов Д.Х. “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг худуд иқтисодиётида тутган ўрни”, Бухоро – 2022 й., 27-28 май.